

«Тасдиқлайман»

«Ўздонмахсулот» АК

Бошқарув раиси ўринбосари



Э. Алимов

2018 йил

Стратегик режалаштириш ва бизнесни ривожлантириш бошқармасининг Н И З О М И

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу Низом «Ўздонмахсулот» Акциядорлик компаниясининг Стратегик режалаштириш ва бизнесни ривожлантириш бошқармасининг (кейинги ўринларда Бошқарма деб юритилади) фаолиятига қўйиладиган талабларни, уларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлигини белгилайди.

2. Бошқарма ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларини фаолияти очиклиги» ва «Давлат статистика тўғрисида»ги қонунларига, Ўзбекистон Республикаси «Меҳнат кодекси», Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорлари, ушбу Низомга ва бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

3. Бошқарма ўз фаолиятини компания таркибидаги корхоналар ҳамда республиканинг бошқа вазирликлари ва идоралари тегишли бошқармаларилари билан ўзаро яқин ҳамкорликда амалга оширади.

4. Бошқарма компания раҳбарияти томонидан қўйилган масалалар ёки бошқарманинг ваколати доирасига тегишли бўлган масалалар бўйича компания номидан барча ташкилотларида иштирок этади.

5. Бошқарма бошлиғи ва ходимлари компания Бошқарув раиси буйруғига асосан тайинланади ва ишдан бўшатилади.

II. АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ

6. Қуйидагилар Бошқарманинг асосий вазифалари ҳисобланади:

а) Бозор иқтисодиёти шароитида тармоқнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланишининг жорий ва келажакдаги истиқболларини аниқлаш, иқтисодий меъёрларини ишлаб чиқиш, ривожланиш истиқболлари кўрсаткичларининг бажарилиши мониторингини олиб бориш ва таҳлил қилиш, компания «Бизнес режа»сини ишлаб чиқишни ташкиллаштириш.

б) Компания ижро этувчи аппарати таркибий тузилмалари ва унинг таркибидаги корхоналар билан ҳамкорликда тармоқнинг ишлаб чиқариш

кўрсаткичларини мувофиқлаштириш, иқтисодий таҳлиллар олиб бориш, тизим корхоналарида «Бизнес режа»ларнинг бажарилишини таҳлил қилиб бориш;

в) Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг меҳнат ва ишловчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисидаги қарорларини бажарилиши мониторингини олиб бориш, меҳнатга ҳақ тўлашни такомиллаштириш, моддий ва маънавий манфаатдорлик тизимини иш фаолиятининг якуний натижалари билан уйғунлаштириш, ходимларни узлуксиз ишлаган даври, йиллик молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича мукофотлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

г) Компания ижро этувчи аппарати штатлар жадвалини ишлаб чиқилиши, белгиланган тартибда тасдиқланиши ва унинг бажарилиши устидан назорат ўрнатиш;

д) Тизим корхоналарида қасаначилик иш ўринлари яратиш Дастурларининг бажарилишини мониторингини олиб бориш. Ушбу борада тизим корхоналарига амалий ва услубий ёрдам кўрсатиш;

е) Компания ва унинг таркибидаги корхоналарда замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг жорий этилишида иштирок этиш;

и) Бошқарма ваколатига тегишли масалалар юзасидан тизим бўйича умумлаштирилган маълумотларни тайёрлаш, компания бошқаруви билан келишилган ҳолда белгиланган тартиб ва муддатларда Вазирлар Маҳкамаси ва юқори ташкилотларга тақдим этиб бориш.

III. БОШҚАРМАНИНГ ФУНКЦИЯЛАРИ.

7. Бошқарма ўзига юкланган вазифаларни амалга ошириш учун қуйидаги функцияларни бажаради:

1. Стратегик режалаштириш соҳасида:

а) узок муддатга мўлжалланган стратегияни ишлаб чиқиш, ишлаб чиқаришни диверсификациялаш, локализация дастурларини ишлаб чиқиш;

б) тармоқ корхоналарида ишлаб чиқариш прогноз кўрсаткичларини таҳлил қилиш ва мувофиқлаштириш;

в) чораклар кесимида тизим корхоналар бўйича молия-иқтисодий ҳолатлар таҳлил қилиш.

2. Бизнесни ривожлантириш соҳасида:

а) ривожланиш истиқболлари кўрсаткичларининг бажарилиши мониторингини олиб бориш ва таҳлил қилиш;

б) Бизнес режани ишлаб чиқишини ташкиллаштириш ва бажарилишини таҳлил қилиб бориш;

в) қасаначилик иш ўринларини яратилиши мониторингини олиб бориш ҳамда тасдиқланган Дастурлар асосида бажарилишини назорат қилиш.

IV. БОШҚАРМАНИНГ ХУҚУҚИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

8. Бошқарма қуйидаги ҳуқуқларга эга:

а) компания ва унинг таркибий бўлинмалари мансабдор шахсларидан Бошқармага юкланган вазифаларни бажариш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва маълумотлар олиш;

б) раҳбарият топшириғига кўра ёки тегишли таркибий бўлинмалар раҳбарлари розилиги билан уларнинг ходимларини норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш билан боғлиқ бошқа тадбирларга жалб қилиш;

в) Бошқарма ваколатига кирувчи масалалар бўйича семинар йиғилишлар чақириш ва ўтказиш, зарурат бўлганда унда катнашиш учун компания ижро девони бошқарма ва бўлимлари, корхоналарнинг, ташкилотларнинг раҳбарларини ҳамда мутахассисларини жалб этиш;

г) компания ва унинг таркибий бўлинмаларининг қонун ҳужжатлари бажарилишини таъминламаётган ёхуд қонун бузилишига йўл қўяётган раҳбарлари ва ходимларини жавобгарликка тортиш ҳақида раҳбариятга таклифлар киритиш;

д) компаниянинг йиғилишларида, мажлисларида ва бошқа тадбирларида ўзаро ҳамкорлик қилиш;

е) раҳбарият топшириғига кўра давлат органларида, республика ва халқаро аҳамиятга эга бўлган тадбирларда Хизмат ваколатига кирадиган масалалар бўйича компания номидан вакиллик қилиш;

ж) Бошқармага юкланган вазифаларни зарур даражада ва самарали бажаришни таъминлаш;

Бошқарма қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

9. Бошқарманинг мажбуриятлари:

а) Ўзбекистон Республикаси қонунлари, қонуности ҳужжатлари, ҳукумат ва компания бошқаруви қарорлари ҳамда мазкур Низом талабларига катъий амал қилиш;

б) Компаниянинг «Бизнес режа»сини белгиланган муддатларда ишлаб чиқиши ва тасдиқланишини таъминлаш;

в) Тизим корхоналари томонидан ишлаб чиқилган «Бизнес режа»ларнинг бажарилишини назорат қилиш, бажарилмаслик ҳолатлари бўйича компания раҳбариятига ахборот бериш;

г) Компания таркибидаги иқтисодий ночор корхоналар тўғрисида ахборот бериб бориш;

Ушбу Низом ва меҳнат шартномасида кўрсатилган вазифаларни бажарилишини таъминлаш.

У. БОШҚАРМАНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ:

- бошқарма бошлиғи ва ходимлари ўз вазифалари ва функциялари бажарилмаганлиги ёки зарар даражада бажарилмаганлиги учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилади;

- бошқарма бошлиғи ва ходимлари касбий фаолияти давомида ўзларига маълум бўлган ахборотнинг сақланишини ва махфийлигини таъминлаш юзасидан барча чораларни кўришлари шарт, уларнинг ошкор этилганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.